

**ШАРТНОМА №5-Г**  
**(Суюлтирилган газ билан таъминлаш бўйича шартнома)**

«28» 01. 2022 йил

Самарқанд шаҳар

Бизлар бир томондан «ALJ-SAMARQAND» МЧЖ директори Алибеков Шохрух Жуманиёзович, кейинчалик «Ижрочи» деб номланади, иккинчи томондан «Сам АТЦ 2-класси» директори Шамсиев Ш.А., кейинчалик «Бюртмачи» деб номланади, амалдаги корхона низомига асосан қўйидаги шартномани туздик:

**1.ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ**

№ Т/р	Махсулот номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нархи	Қиймати (ҚҚС сиз)	ҚҚС		Сотиш қиймати (ҚҚС билан)	Шу жумладан йиллик чораклар бўйича			
						Ставка	15 %		I	II	III	IV
1	Суюлтирилган газ	литр	900	3044			456	3500				
<b>Жами:</b>								3 150 000				

1.1. «Ижрочи» «Бюртмачи»нинг транспорт воситаларини суюлтирилган газ ва ёқилғиси билан таъминлаш мажбуриятини «Бюртмачи» эса олинган махсулот учун ўз вақтида пул тўловларини «Ижрочи»нинг ҳисоб-рақамига ўтказиш мажбуриятини олади.

**2.ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ҲИСОБЛАНИШЛАР ТАРТИБИ**

2.1. Мазкур шартнома баҳоси қўйидагилардан ташкил топади.

2.1.1. Мазкур шартнома баҳоси 3 150 000 (үч миллион бир юз эллик мин) сум.00. тийин ҚҚС қиймати билан ташкил қилади.

2.1.2. «Бюртмачи» томонидан «Ижрочи»га шартнома баҳосини тўлаш, «Ижрочи»нинг мазкур шартномада кўрсатилган ҳисоб-рақамига пул маблағларини кўчириш йўли билан амалга оширилади. Ҳар ойнинг бешинчи санасига қадар «Бюртмачи» ва «Ижрочи» томонидан тарқатиш варақаси орқали олинган суюлтирилган газ махсулоти ва унинг нархи таққосланади.

2.1.3. «Бюртмачи»нинг автомашинасига қўйилган суюлтирилган газ махсулоти олинган куни, махсулотнинг етказиш санаси ҳисобланади.

2.1.4. Тарқатиш варақаси «Бюртмачи»томонидан газ ёқилғиси учун ўтказилган пул маблағи «Ижрочи»нинг ҳисоб-рақамига 100 % ўтгандан сўнг берилади.

**3.ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

3.1. «Бюртмачи»нинг мажбуриятлари:

а) белгиланган тартибда автомашинага газ махсулотларини қуйиш учун махсус рұхсатнома олиш.

б)газ баллонининг геометрик хажми ва техник ҳолати тўғрисида ҳайдовчининг йўл варақасига тегишли белги қуйиш.

в)автомашинанинг газ баллон ускунасин соз ҳолда сақлаш.

г)газ махсулотларидан фойдаланиш қоидаларига, техник хавфсизлиги масалаларига тўлиқ риоя қилиш.

3.2. «Бюртмачи» газ махсулотлари билан ишлайдиган, қайта жихозланган автомашиналардан фойдаланиш давомида, техник хавфсизлиги ва автомашинани техник ҳолати учун тўлиқ жавобгарликни ўз зиммасига олади.

3.3. «Ижрочи»нинг мажбуриятлари:

а)автомашинадаги мавжуд ўлчов ускуналарини созлиги ва бу мосламалардан тўғри фойдаланиётганлиги назорат қилиш.

б)автомашина ҳайдовчисини газ махсулотларини ташиш учун гувоҳнома борлигини текшириш.

в) «Бюртмачи» томонидан шартнома шартларини бўзиш ва техник хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаган ҳолати аниқланганда, махсулот беришни тўхтатиш.

г) «Ижрочи» ва «Бюртмачи» ўртасидаги олди-сотди тўғрисидаги ҳисоб варақ-фактура

[HTTPS://MY.SOLIQ.UZ](https://my.soliq.uz) парталидаги [soliqservis.uz](https://soliqservis.uz) сайти орқали расмийлаштирилади.

- 3.4. Тарафлар махсулот ҳажмининг ўртача кунлик нормасидан келиб чиққан ҳолда ойлик газ миқдорини бир маромида ўзатиш ва қабул қилиш шарт.
- 3.5. «Бюртмачи» сотиб олинган махсулотни истеъмол қилиш даврида ҳар бир юзага келаган ўзгаришлар ҳақида 5 кун муддат ичида «Ижрочи»га ёзма равишда хабар қилиш шарт.
- 3.6. «Ижрочи» газ куйиш шахобчаларида мавжуд бўлган ускуналарни навбатдаги таъмирлаш ишларини амалга оширишдан 3 кун олдин, умумий таъмирлаш ишларини бошлашдан 15 кун олдин, харидорга хабар қилиши шарт.

#### 4. МАХСУЛОТ (ГАЗ) ҲИСОБИ

- 4.1. «Бюртмачи» берилган махсулот миқдори тарқатиш варақаси бўйича ҳисоб-китоб қилиб борилди.
- 4.2. «Бюртмачи»га берилган махсулот миқдори давлат стандарти томонидан 13.01.1995 йилда (рег. №418) тасдиқланган АГТШга юборилган газ ҳажмини ўлчаш ва унинг ҳисоб-китоб бўйича қулланма (РД Уз.51-034-94) асосида «Ўзбекнефтегаз» миллий компанияси томонидан 28.11.1995 йилда тасдиқланган АГТШда истеъмолчига тарқатилган газ ҳажмини аниқлаш жадвалига мувофиқ харидорнинг ўлчов асбоблари орқали аниқланди.

#### 5. ТАРАФЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 5.1. «Ижрочи» шартномада кўрсатилган махсулот билан «Бюртмачи»ни ўз вақтида таъминла олмаса қуйидаги ҳолларда жавобгарлик ўз зиммасига ололмайди.
  - а) электр тармоқларида содир бўлган авария ҳолларида.
  - б) табиий офатлар (ёнгин, ер кимирлаш, сув тошқинлари) юз берган ҳолларда.
  - в) электр тармоқларининг таъмирлаш учун тўхтатилганда.
- 5.2. Шартномада кўрсатилиб ўтилган мажбуриятларни бажарилиши бўйича томонлар Ўзбекистон Республикаси қонунлари бўйича жавобгардирлар.

#### 6. ШАРТНОМАНING АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

- 6.1. Тарафлар шартномани имзоланган кундан бошлаб (ғазначилик бошқармаси бўлими)да белгиланган тартибда руйхатдан ўтказилгандан сўнг ёки имзоланган кундан) қонуний кучга киради ва 2022 йил «31» декабр гача амал қилади.
- 6.2. Мазкур шартнома 2022 йил «28» июль 2 нусхада тузилиб, икала нусха бир хил кучга эга. Тарафларнинг ҳар бирида мазкур шартноманинг бир нусхаси мавжуд.
- 6.3. Шартномада кўрсатилган масалалар бўйича юзага келган низолар тарафларнинг музокаралари йули бидан ҳал қилинади.
- 6.4. Низолар тарафларнинг музокаралари йули билан ҳал қилиш имкони бўлмаган тақдирда тарафлар келишмовчиликларини бартараф қилиш борасида қонунчиликда кўзда тутилган судгача бўлган жараёнларни амалга оширилганларидан сўнг уларни Хўжалик судига кўриб чиқишга топширилади.
- 6.5. Мазкур шартнома киритилган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар фақат ёзма шаклда тузилиб тарафларнинг бунга ваколатли вакиллар томонидан имзоланганидан сўнг ҳақиқий ҳисобланади.
- 6.6. Шартномани тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўз.Р.нинг Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тулаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиш мумкин.

#### 7. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

«ИЖРОЧИ»

ООО «ALJ-SAMARQAND»

Адрес: Самарқанд шаҳар, ул. А.Набиев, 6 уй

Тел: (97)-922-02-10; (97) -386-21-01

Р/с: 2020 8000 904 350 502 001


Банк: АТБ «Капиталбанк» Самарқанд филиали

МФО: 01061

ИНН: 205-200-501

ОКЭД: 47790

ҚҚС (ИДС) коди: 318 010 029 345

Директор:  Алибеков Ш.Ж.  
М.У. (имзо)

«БЮРТМАЧИ»

« Сам АТУ 2-қиликеси »

Адрес: Сам. в. Сам. и. М. Чувпбек кув. 70А

Тел: 233-27-00

Р/с: 150010760184017073101054002


Банк: Марказий Банк ХКМ Тошкент филиали

МФО: 00014


ИНН: 201213693

ОКЭД: 91511

ҚҚС (ИДС) коди: \_\_\_\_\_

Директор:  Шамсиев Ш.М.  
М.У. (имзо)





O'zbekiston Respublikasi  
Samarqand shahar hokimligi

Yuridik shaxsni davlat ro'yxatidan o'tkazish to'g'risida

# G U V O H N O M A

Reestrdaagi tartib raqami - 11488

№ 07311

2014 yil 24 iyul

Mazkur guvohnoma yuridik shaxs «ALJ SAMARQAND»

Mas'uliyati cheklangan jamiyatigi berilgan

(o'zbek tilidagi to'liq nomi)

«ALJ SAMARQAND» Konserni Adliya boshqarmasi tomonidan 2004 yil 19 avgustdagi 59-sonli reestr tartib raqami bilan ruyxatga olingan, korxonaga tomonidan taqdim qilingan hujjatlariga asosan korxonaga mulkchilik shakli uzgartirilib «ALJ SAMARQAND» mas'uliyati cheklangan jamiyatiga 2014 yil 21 iyulda № 11488 reestr raqami bilan Samarqand shahar hokimligi xuzuridagi tadbirkorlik subjektlarini ruyxatdan utkazish ishtirokchisi tomonidan qayta ruyxatga olingdi, «ALJ SAMARQAND» mas'uliyati cheklangan jamiyati «ALJ SAMARQAND» Konsernining konunijiy vorisi hisoblanadi, huquklaridan foydalanadi va majburiyatlari buyicha to'liq javob beradi.

Tashkiliy-huquqiy shakli

THSh

1153

Mulkchilik shakli

MSh

142

Pochta manzili

MHOBT

1718401

Yuridik shaxs kodi

KTUT

19609884

Tarmog kodi

XXTUT

97950

Soliq ro'lovchining identifikatsiya raqami

STIR


205200501

Qo'shimcha ma'lumotlar:

Inspeksiya boshlig'i



S.Shodiboev



Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ҳузуридаги нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси "Ўзнефтьгазинспекция"

# ЛИЦЕНЗИЯ

АС № 0569

Мазкур лицензия билан "ALJ SAMARQAND"  
(лицензия эгасининг тўловчиси)  
масъулияти чекланган жамияти \_\_\_\_\_ га

Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри, А.Набиев кўчаси, 6-уйда  
(рухсат этиладиган фаолият тури)  
жойлашган АГҚШ орқали суюлтирилган углеводород газини сотиш  
\_\_\_\_\_ билан

шугулланишга рухсат этилади.

Лицензия эгасининг жойлашган жойи (почта манзили): Самарқанд вилояти,  
Самарқанд шаҳри, А.Набиев кўчаси, 6-уй

Лицензия эгасининг солиқ тўловчи сифатидаги идентификация рақами: 205 200 501

Лицензия берилган сана: 2020 й. 10 январь


Лицензиянинг амал қилиш муддати беш йил

Реестр бўйича тартиб рақами: № 891

Ваколатли шахс: Н. Агзамов  
(исми шарифи, фамилияси)

Агзамов  
(имтосу)

М.У.



Лицензиянинг амал қилиш муддати \_\_\_\_\_ гача  
Ваколатли шахс: \_\_\_\_\_  
(исми шарифи, фамилияси) (имтосу)

Лицензиянинг амал қилиш муддати \_\_\_\_\_ й. \_\_\_\_\_ гача  
узайтирилди.

Ваколатли шахс: \_\_\_\_\_  
(исми шарифи, фамилияси) (имтосу)

М.У.